



УДК 821512133

Дилшод ИСЛОМОВ,

Бухоро давлат университети

Таржумашунослик ва лингводидактика кафедраси таянч докторанти

E-mail: [islomovdilshod77@gmail.com](mailto:islomovdilshod77@gmail.com)

БухДУ профессори, ф.ф.д. М.М.Жўраева тақрзи асосида

#### SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ON THE CONCEPTS OF PHONEME AND PHONOSTYLISTICS

Аннотация

This article discusses the phonetics of world linguistics, the historical formation of phonostylistics, the stages of development. It also summarizes and treats the existing scientific-theoretical views on phonostylistics in world linguistics.

**Keywords:** phoneme, sound, syllable, accent, tone, phonology, variant, stylistic variant, dialectal variant, combinatorial variant, positional variant, associative relation, phrase, tacteme, accenteme, paradigm, syllabeme, intoneme, generality and specificity.

#### ФОНЕМА ВА ФОНОСТИЛИСТИКА ТУШУНЧЛАРИГА ДОИР ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада жаҳон тилшунослигидаги фонетика, фоностилистиканинг тарихий шаклланиши, тараққиёт босқичлари тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, фоностилистикага доир дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.

**Калит сўзлар:** фонема, товуш, бўгин, ургу, оханг, фонология, вариант, услубий вариант, диалектал вариант, комбинатор вариант, позиция вариант, отгенка, ассоциатив муносабат, фраза, тактема, акцентема, парадигма, силлабема, интонема, умумийлик ва хусусийлик.

#### НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ПОНЯТИЯ ФОНЕМЫ И ФОНОСТИЛИСТИКИ

Аннотация

В статье рассматриваются фонетика мировой лингвистики, историческое становление фоностилистики, этапы развития. Он также обобщает и рассматривает существующие научно-теоретические взгляды на фоностилистику в мировой лингвистике.

**Ключевые слова:** фонема, звук, слог, ударение, тон, фонология, вариант, стилистический вариант, диалектный вариант, комбинаторный вариант, позиционный вариант, отгенка, ассоциативное отношение, фраза, тактема, акцентема, парадигма, слогема, интонема, индукция и дедукция.

**Кириш.** Маълумки, дунё тилшунослиги тарихидаги бир неча асрлик тажрибалар турли оқим намоёндалари тилини тадқиқ этиш энг макбул йўл ҳисоблаб, бу йўлда ўрганиш объектини ва унинг моҳиятини аниқ кўрсатиб бериш учун бутун умрларини сарфлаганларини кўрсатади. Тилшунослик фани тилда бўлаётган барча ўзгаришларни атрофлича ўрганади. Ҳар қандай фан эса, ўз навбатида, эҳтиёж туфайли юзага келади ва ривожланади. Жамият ўз тараққиётини таъминлаш учун ҳамма даврда илмфани ривожлантириш ва унинг муаммоларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор бериб келади.

“Инсон онги тобора ривожланиб борар экан, унинг дунёқараши, фикри, нуқтаи назари ҳам такомиллашиб, кенгайиб бораверади. Ҳар бир фанда ривожланиш бўлгани каби тилшунослик ҳам кундан-кунга тараққий тошиб, турли янги оқимлар, йўналишлар, янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида эса тилшуносликнинг янги турлари пайдо бўлди: психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика, менталингвистика, нейролингвистика, когнитив лингвистика, корпус лингвистикаси, прагмалингвистика ва х.з.”[1] Қолаверса, тилшуносликнинг ана шундай қатор йўналишлари негиздаги фонетика, морфология, ва синтаксис каби лисоний воситалар тадқиқи тўғрисидаги кўплаб тадқиқотларнинг яратилаётганлиги муҳим долзарблик касб этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Фоностилистиканинг назарий

асосларини яратишда, унинг хусусиятлари ҳақидаги муҳим илмий-назарий қарашларни илгари сурган, фоностилистиканинг умумий ва ўзига хос муаммоларини ўрганишга доир кўпгина тадқиқотлар амалга оширган жаҳон ҳамда ўзбек тилшуно олимларининг ўрни қатта. Бу борада Н.М.Шанский, Л.В.Шерба, Д.Хадсон, Л.В.Бондарко, М.В.Панов, Л.Р.Зиндер, В.В.Виноградов, О.С.Ахманова[2] каби олимларнинг ишлари аҳамиятга эътиборга молик. Ўзбек тилшунослигида ҳам ўзининг илмий-назарий қарашлари билан ўртоклашган фоностилистик олимлар тадқиқоти, шунингдек, А.А.Абдуазизов, Э.Р.Қиличев, А.А.Ҳайдаров, Н.М.Қамбаровнинг[3] тадқиқотлари шулар жумласидандир.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Дунё тилшунослигида мавжуд бўлган олимларнинг фоностилистика тўғрисида илмий-назарий қарашлари ҳақида фикрлар ва уларга муносабат билдирадиган бўлсак, маълумотларга таянган ҳолда шунга айтиш мумкинки, фоностилистика – юнонча “phōnē – овоз, товуш, шовқин + стилистика” маъноларини англатади. Тилшуносликдаги лингвистик бирликларнинг талаффуз вариантларини ва уларнинг алоқа соҳаларида ва вазиятларида ишлаш қонуниятларини ўрганадиган бўлими ҳисобланади. Шунингдек, фоностилистика (фонетик стилистика) – фонемаларнинг турли услубларда ишлатилиш частотасини, уларнинг уйғунлиги ва ўзаро боғлиқлигини ўрганадиган, матннинг мазмуни ва образлиги асосида овоз эффеқтларини таҳлил қиладиган лингвистик фан саналади.

“А.А. Абдуазизов фоностилистика соҳасини синхрония ва диахрония нуктаи назаридан ўрганиш кераклигини таъкидлайди”[4]. Тилшунос олим А.А. Абдуазизовнинг фикрига кўра “Фоностилистика энг ёш функционал ва лингвистик интизомдир. У фақат оғзаки нутқ билан шугулланади. Экспериментал фонетик таҳлил асосида ҳар бир фонетик услуб ўзига хос ўзига хос интонация ва талаффуз хусусиятларига эга эканлиги аниқланди. Фонестилистикани фонетикада “янги тенденция” деб аташ мумкин эмас. Аксинча, бу фонетик ҳодисаларга “янги нуктаи назар” дир. Сўнги пайтгача тилшунослар тилини таҳлил қилишнинг ушбу усули ҳақида шубҳа қилмаганлар, бундай таҳлилга бўлган эҳтиёжни англаш нутқий нутқни ўрганиш зарурлигини англаш билан юзага келган. Ушбу жараёнга нима туртки бўлди?”[5] Албатта, олимнинг бу фикрига қўшилишимиз, чунки, фонетика ва стилистика ўзаро боғлиқ бўлиб, фонетик ҳодисалар билан уйғундир.

Фонема тушунчаси эса, ҳозирги кунда барча тилшунослар томонидан тадқиқ этилаётган бўлсада, унинг ўрни, вазифаси мақоми масаласи ҳақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ, дейиш мумкин, яъни бир хиллик мавжуд эмасдек, туюлади, назаримизда, чунки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар шу қадар шиддат билан тараққий этиши, шубҳасиз, тилшуносликнинг фоностилистика соҳасига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, ҳар доим маълум бир фаннинг мазмуни, унинг назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб ривожлана боради, лисондаги турли муносабатлар асосида турли хил парадигмалар ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади ҳамда фонетик ҳодисалар жараёни билан боғлиқ равишда шаклланади.

Манбалар шунини кўрсатадики, тилшуносликда фонема ҳақидаги таълимотнинг асосчиси саналган “Бодуэн де Куртенининг ўзи ҳам фонема мақоми масаласида турли хил йўналишларнинг келиб чиқишига замин яратиб қўйган. “Бодуэн де Куртене фонеманинг икки антропофоник (яъни акустик-артикуляцион) хусусиятларининг оддий умумлашмаси ҳамда морфеманинг ҳаракатлангирувчи компоненти ва маълум морфологик категория белгиси каби фарқли томони борлигини кўрсатади”[6]. Бодуэн де Куртенининг фонеманинг бу икки хил томони ҳақидаги фикри кейинчалик фонема мақомига белгиланганда икки хил йўналишнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари Реформатский, Дмитриев, Сидоров, Аванесовлар томонидан асос солинган Москва фонологик мактаблари, Л.В.Щерба яратган Ленинград фонологик мактаби, Н.С.Трубетскойнинг фонологик мактаби ва бошқа бир қанча фонологик мактаблар кўпчилик томонидан яхши қарши олинди. Мазкур фонологияга доир яратилган илмий мақолалар, монографиялар, диссертациялар, албатта, фонологик мактабнинг ғоялари, нуктаи назарлари билан боғланади, қолаверса барча фонологик мактаблар олим Бодуэн де Куртене қаршига бориб такалиши, шунингдек, ҳозирги тилшуносликда фонема назарияси И.А.Бодуэн де Куртене ва унинг шогирдлари номи билан боғлангани ҳам аён дид.

#### - Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Маълумки, фоностилистика доимо коммуникатив ниятдан келиб чиқади. Замонавий тилшуносликда товушли нутқ муаммоларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Унинг асосий йўналиши тингловчига когнитив ёндашуви, инсон ахборотини қайта ишловчи тизим сифатида ўрганиб, унинг ҳатти-ҳаракати эса инсоннинг ички ҳолатини инфодаловчи қабул қилиш, қайта ишлаш, хотирада сақлаш, нутққа татбиқ қилиш сингари тушунчалар ёрдамида инфодаланиши лозим бўлади (когнития (cognition), яъни билиш фаолияти ахборот (маълумот) ни қабул қилиш,

тақдим этиш ва яратиш ҳаракатлари ҳисобланади), яъни онгли равишда таъсир этувчи товушли-визуал воситалардир. Бундай таъсир товушларнинг бошланғич ассоциатив алоқаларни вужудга келтириш қобилиятига асосланади ва сўзлашувнинг лексик таркибини мантикий таҳлил қилишдан олдин ҳам алоқа жараёнида одам томонидан идрок қилинади, нутқ алоқаси самарадорлиги муаммолари анъанавий равишда алоқа назарияси доирасида кўриб чиқилади.

Биламизки, фонеманинг асосий вазифаси – морфеманинг кўрсаткичи сифатида ҳаракат қилиш – иккиламчи устига қурилган бўлиб, конструктив равишда матн ҳосил қилади, бу унинг семантик функцияларининг давоми эмас, балки уларнинг йўқлиги оқибати бўлиб чиқади. Тилнинг товуш воситаларининг матн яратиш қобилиятини реализация қилишнинг асосий сабаби, демак, уларнинг “сарфланмаган” семантик салоҳияти, тилнинг функционал бўшлиқларни тўлдиришга бўлган интилишидир.

“Ҳозирги ўзбек адабий тилида олтига унли фонема мавжуд. Шулардан “и”, “а”, “у” фонемалари сўзнинг турли позицияларида ҳар хил вариантларга эгаллиги билан ажралиб туради”[7].

“Ўзбек тилидаги фоновариантлар жонли нутқда ҳам, бадий асар қаҳрамонлари нутқида ҳам фаол қўлланилади. Ўзбек тилида портловчи товушларнинг типик товушлар билан алмашилиши содир бўлиб, Фарғона водийси ва республиканинг бошқа бир қатор вилоятлари аҳолисининг шевага хос сўзлари фоновариантларни ҳосил қилади”[8].

Фонология эса фонемаларни белгиланган артикуляцион-акустик хусусиятларни фарқлайди, кўринадики, фонетика фонологияга манба беради, фонологик хулосалар фонетика маълумотларига таянади. Улар ўзаро бир-бирини тақазо этади, шунингдек, бир-бирини тўлдириб келади.

Ўзбек тилшунослигида А.А.Абдуазизов ўзбек тили фонемаларини парадигматик ва синтагматик хусусиятларини ўрганган, унинг ўзбек тили фонологиясининг ривожланишидаги назарий қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Олим ўзбек тилшунослигида илк маротаба нутқнинг ҳар бир фонетик бўлинишида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлишини асослаб, Европа тилшунослигидан изоҳловчи махсус атамалар тизимини ўзбек тилшунослигига олиб қиради. Нутқни ибора (фраза), такт, бўгин ва товуш каби лисоний воситалар орқали фонетик жиҳатдан бўлиб ўрганади: ибора (фраза), такт, бўгин ва товуш каби бирликларни у парадигматик қаторда бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин бўлган эмик бирликларга зидлайди: товуш - фонема, такт - тактема, бўгин - силлабема ва х.к.

Юқорида келтирилган фонема ва фоностилистика тушунчалари тўғрисидаги назарий қарашлар, фикрлар, аввалги ва ҳозирги тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, олимларнинг назарий фикрини эътиборга олиб ва уларни бойитган ҳолда қуйидаги хулоса қилиш мумкин: “Фоностилистика ҳар доим мулоқот истагидан келиб чиқади. Лисоний бирликларнинг талаффуз вариантлари ва алоқа жараёнида ҳамда ҳолатларида ишлаш қонунларини ўрганадиган бўлимдир, шу маънода, маълум бир контекст тури билан чегараланади, фонетик белгиларни аниқлаш учун оғзаки нутқда кечаётган турли ҳолатларни таҳлил қилади ва уларни вазиқларига қараб таснифлайди”.

- **Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).** Хулоса қилиб айтганда, тилшунослик фани тилда бўлаётган барча ўзгаришларни атрофлича ўрганади. Ҳар қандай фан эса, ўз навбатида, эҳтиёж туфайли юзага келади ва ривожланади. Жамият ўз

тараққийини таъминлаш учун ҳамма даврда илмфани ривожлантириш ва унинг муаммоларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор бериб келади. **Тил миллий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, сўз эса, ҳалқ маънавияти, фалсафаси ва тарихини тушунишга имкон берувчи воситадир.** Тил – инсон маънавий оламида унинг ўзлигини англаш йўлидаги энг буюк кашфиётдир. Зеро инсон даврлар мобайнида тилни тадқиқ қилар экан, унинг турли ва янги қирраларини кашф этиб боради.

Замонавий тилшунослиқда товушли нутқ муаммоларини ўрганиш долзарб ҳисобланиб, унинг асосий йўналиши тингловчига когнитив ёндашувни, инсон ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида ўрганиб,

унинг хатти-ҳаракати эса инсоннинг ички ҳолатини ифодаловчи қабул қилиш, қайта ишлаш, хотирада сақлаш, нутққа татбиқ қилиш сингари тушунчалар ёрдамида ифодаланиши лозим бўлади (когниция (cognition), яъни билиш фаолияти ахборот (маълумот)ни қабул қилиш, тақдим этиш ва яратиш ҳаракатлари ҳисобланади), яъни онгли равишда таъсир этувчи товушли-визуал воситалардир.

Жаҳон тилшунослиғида ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ўрганиш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш илм-фан жадал ривожланган бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб, маълум даражада тилшунослиқ илмига ўз ҳиссасини қўшади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Жўраева М.М. “Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари”. Филология фанлари докторлик диссертацияси. Тошкент. 2017. – Б.52 – 65.
2. Шанский Н.М. Стилистика русского языка. – Л.: Просвещение, 1989. – С.223.; Щерба Л.В. Фонетика французского языка. – М., 1953. – 302с.; Hudson D. Sociolinguistics. 2nd ed. – Cambridge University Press, 1998. – 294 p.; Бондарко Л.В. и др. Стили произношения и типы произнесения. Вопросы языкознания. – М., 1974. – С.61–79.; Панов М.В. О стилях произношения в связи с общими проблемами стилистики. Развитие современного русского языка. – М., 1963. – С.15 – 37.; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – М.: Высшая школа, 1979. – 312 с.; Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. – М.: Высшая школа, 1981. – 320с.; Ахманова О.С. Фонология. Морфонология. Морфология. – М.: Наука, 1969. – 108 с.;
3. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 136 б.; Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 104 б.; Камбаров Н. М. Фоносемантические средства английского языка и их соответствия в узбекском языке.: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. –149 с.; Хайдаров А.А. Канотатив маънонинг фонетик воситаларида ифодаланиши.: Дисс... канд. филол. наук.– Ташкент, 2009. – 136 с.
4. Абдуазизов А. А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985.– Б.24– 28.
5. Абдуазизов А.А. Абдуазизов А.А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1992. – Б.11–22.
6. Бодуэн де Куртене "Опыт фонетики резьянских говоров" Петербург 1873. – Б.40–52.
7. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: “Университет”, 2010. – Б. 58–69.
8. Гафуров Б. З. Отнинг сегмент фоностилистикаси тавсифининг қиёсий-чоғиштирма ўрганилиши(рус, ўзбек, англиз тиллари материаллари асосида) Бухоро 2020. – Б. 8–20.